

# ИНТЕНСИВ МЕВАЛАРНИ ВА ЖАДАЛ МУЗЛАТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ

**О.Б.Сатторов мустақил тадқиқотчи ТИҚХММИ**

Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида интенсив мевалар тармоқларида кенг кўламда ислохотлар амалга оширилмоқда. Республикада мева – сабзавотчилик соҳасида фермер хўжаликларида Бугунги кунда ҳаётимизга тезлик билан кириб келаётган янги технологиялар аҳолини сифатли озиқ овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, жамият тараққиётини янада жадаллаштириш, турмушимиз фаровонлигини ошириш, ҳаётимизда ўз ечимини кутаётган экологик, ижтимоий ва бошқа муаммоларни бартараф этишга қаратилган.

Бу масалаларга Республикаимизда ҳам катта аҳамият қаратилмоқда, яъни қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни сақлаш ташиш ва қайта ишлаш инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда[1].

Бу билан бизнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларимизни нафақат ички бозор, бундан ташқари ташқи бозорларда харидорлар , юқори қўшимча қийматга эга бўлган замонавий тайёр маҳсулотларни тайёрлаш, ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва янги сифат кўрсаткичларига кўтариш талаб этилади

Маълумки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологиясида катта илмий ва амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда, улардан хом ашёларни турли хил усулларда қуритиш, жадал музлатиш,

вакуум усулида сақлаш ва турли хил қайта ишлаш усуллари. Уларнинг ҳар бири ўз афзалликлари ва камчиликларига эга. Аммо уларнинг барчаси озиқ-овқат маҳсулотлари меъёрларидаги эҳтиёжни рацион асосида таъминлашга, меъёрдаги калорияга эга бўлган ва ҳар куни истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг турларига суянган ҳолда олиб борилади. Бунда сабзавотлар, мева ва узум таркибидаги фойдали моддалар, витамин ва микроэлементлар катта миқдорда сақланиб қолади.

**Тадқиқот услубияти.** Юқорида келтириб ўтилган технологиялардан биз мева ва сабзавотларни жадал музлатиш технологиясига тўхталиб ўтмоқчимиз. Жадал музлатишда мева ва сабзавотлар ўта паст ҳароратларда

қисқа вақт оралиғида шакли, ранги ва бошқа фойдали озукалилиги сақланган ҳолда музлатилади. Бунда витаминлар 80 % гача, микроэлементлар 100 % гача сақланиб қолади. Жадал музлатишда ҳароратни тезлик билан пасайтирилиши натижасида хом ашё таркибидаги сувлар кристалларга айланиб улгурмайди бунинг натижасида маҳсулот бир хил кўринишда, механик шкастланмаган ҳолда сақланиб қолади.

Жадал музлатишда маҳсулот қисқа тахминан 240 дақиқа ичида (– 18 0С) гача маҳсулот совутилади. Мазкур технология озик овқат саноатида музлатилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда кенг қўлланилмоқда. Бу жараён янги сўйилган ва ярим тайёр гўшт маҳсулотлари, балиқ, парранда гўштлири, тайёр маҳсулотлар, резавор мевалар, субмаҳсулотлар учун қўлланилади [2,3].

Бугун жадал музлатилган технология маҳсулотларини ҳар қандай супермаркет ва дуконларда учратишимиз мумкин. Жадал музлатилган маҳсулотларни ананавий маҳсулотлардан фарқи нимада? Фарқи шундаки, жадал музлатишда нафақат маҳсулотни сақлаш муддати узаяди. Жадал музлатиш камералари маҳсулотни қисқа муддат ичида керакли ҳароратгача пасайтириш натижасида улардаги бошланғич сифат кўрсаткичларини максимал даражада сақлаб қолади. Шунинг учун сиз жадал музлатилган маҳсулотлар сақланаётган идишларга аҳамият берсангиз улардаги табиийлик сақланиб қолинганлигини кузатасиш

**Натижалар.** Жадал музлатилган маҳсулотларни бошқа технологияларга нисбатан қулайликлари:

- Хом ашё йўқотилишини 2-3 мартага камайтиради;
- Музлатиш муддати 3-10 мартага қисқаради;
- Ишлаб чиқариш майдонлари 1,5-2 мартага камаяди;
- Ишчи кучи 25-30 % га қисқаради;
- Технологиянинг ўз ўзини қоплаш муддати 15-20 % га қисқаради.

Интенсив мева соҳасини ривожлантириш ва юқори самарадорликка эришиш, келгусида мамлакатимизда озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, миллий бозорларимизни мева маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳолини мева маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, қолаверса мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини кўтариш имконини беради.

Хулосалар. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, сўнги йилларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга қўйиладиган талаблардан нафақат уларни кимёвий таркибларига бундан ташқари истимолчиларни сенсорик талабларига ҳам катта эътибор берилмоқда, мазкур технология асосида тайёрланган маҳсулотлар сифатлилиги билан ажралиб туради деб ҳисоблаймиз.